

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Мен сени кўмсаепман, куёш нурларига чўмилган болалик!
 Сен мана ҳозир мен билан паллаларимиз. Икки юзингдек биргасан, демак, биз бирга қизарган гилосларни қўл билан яшайпмиз. Бу дақиқалардан вужудим таскин топмоқда, мутлоқ хаёл эмас, оғиз билан узиб ейишни яхши кўрадинг. "Маза" — дердинг ўзингни кулгидан тутолмай. "Қандай маза..." Буларни эслаш энди ва хотирага айланаёзган болалик оғир, ўша пайтда буни ту гўёки қайтгандек, мен яна озод ва ташунмасдим, тушунишни кушман, хуркак охуман. О, болалик, эсингдами, гулзорларни оралаб,

Р.АЛЪБЕКОВ туширган суратлар.

БИЗНИНГ КАСБИЙ БАЙРАМИМИЗ


Собик Иттифоқ таркибидалигимизда "Таракқий" газетасининг биринчи сони чиққан кун — 5 майни матбуот кунини сифатида кенг нишонлаб келдик. Республикамиз мустақилликка эришгач, миллий матбуот кунини ҳам янгитдан белгилаш масаласи тугилди. Хўш, у қайси кун, Ўзбекистонда биринчи газета қачон пайдо бўлган?

1905 йилнинг охирида "Ўрта Осиёнинг умр гузорилиги газети" деган нашр чиқа бошлаган. Аммо у асосан Туркистон генерал-губернаторининг сиёсатини тарғиб қилгани учун узоқ умр кўрмади. Газета ёпилгач, 1906 йилнинг 19 июнида (янги ҳисобда 27 июнь) унинг техникавий ускуналари билан янги "Таракқий" номли газета чоп этила бошлади. Исмоил Обидий муҳаррирлик қилган ушбу газетанинг шiori: "Нажот: маслакда собит, тўғрилиқни ижобат" эди. Илмий, адабий, фанний йўналишдаги

"Таракқий" газетаси охири сонигача ўзининг шиорига содиқ қолган. Ўзининг биринчи сониданоқ маҳаллий халқ орасида эрк, хуррият, истиқлол гоёларини тарғиб этган газета кишиларининг энг сеvimли наشريга айланди. Ана шунинг учун ҳам республикамизнинг таниқли журналистлари, зиёли кишилари ана шу халқчил газета ташкил топган кун — ўзбек миллий матбуот кунини деб эълон қилинишини таклиф этишди.

Куни кеча эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мамлакатимиздаги барча матбуот ва оммавий-ахборот воситалари ходимларини қувонтирди. Фармонда айтиб ўтилганидек, ҳар йили 27 июнь — "Таракқий" газетаси ташкил топган кун ўзбек миллий матбуот кунини сифатида тантана қилинадиган бўлинди.

Биз ҳам барча ҳамкасбларимизни, шунингдек, биз билан бирга ҳамқадам бўлиб келаётган еш мухбирларимизни, жамоатчи мухбирларимизни касбий байрамлари билан муборакбод этамиз.



таътил кунларида

Ёзги таътилни узоқ кутдим. Иштихонларни тоқширишим билан Бўстонлиқ тоғлари этагидаги сўлим жойларда яшайдиган холамларни кига меҳмонга бормоқчи ва бир неча кун уларникида дам олмоқчи эдим. Бундай кунлар яқинлашди. Онам ҳам рози бўлди. Лекин...

Ўзингиз биласиз, бу йилги об-ҳаво ноқулай келганлиги ҳаммани ташвишга солиб қўйди. Узлуксиз

тайёргарлик кўраётган пайтда эса далада иш қизиб кетди. Онам барвақт туриб, уй юмушларини бажарадиларда далага отланадилар.

Ростини айтсам ана шундай қизгин пайтда бирон жойга меҳмондорчиликка кетиш кўнглимга сиғмади. Онам келгач, уларга ўз қароримни айтдим: холамларни кига кейинроқ борарман, дедим. Улар жуда

ОНАМГА КЎМАКЛАШАМАН

ёққан ёмғирдан кейин кунлар исиб, қатқалоқ бўлаверди. Мен меҳмонга кетаман, деб

свиндилар. Ҳозир ота-онам далага кетганларида мен укаларимга қараб ўтирибман. Улар билан уй юмушларини бажариб, турли ўйинлар ўйнаймиз, китоб ўқиймиз, мол-ҳолга қараймиз. Оиламизга кўмак бераётганимни сезганим учунми, меҳмондорчиликка боролмаётганимнинг "аччиғи" ҳам сезилмаяпти.

Сапобар ЖУМАНОВА,
Фаргона вилояти, Бағдод тумани.

Велосипед оламан

Узоқ вақтдан буён велосипед сотиб олишни орзу қилиб юраман. Ҳар гал бу ҳақда гап кетганда, уйдагилар "Сабр қилиб тур" дейишдан нари ўтишмади. Орзуим амалга ошишига нарх-навонинг ошиши ҳам тўсқинлик қилди. Бу менга жуда алам қилдию ўзим пул тўплашга қарор қилдим. Аввалига қўлбола "мушук"нинг ичига унча-бунча ташлаб турдим. Баҳорда уйда пилла боқдик. Отам билан келишиб, йиғиб келган барглари, куртларга қарашиганым эвазига яна озгина "ундирдим". Таътилнинг бошланиши яна менга қўл келди. Богимизда мевалар етила бошлади. Мендан ҳам аввал уларга олашақшаку, чугурчуқлар ўч бўлиб олишди. Ҳар тонг мен кушлар билан бахс бойлашгандай бир челақ олча, олма, ўрик тераман. Улар чугурлашиб, мева ейишади, мен эса тераман...

Укам билан саҳарлаб бозорлаб келган

пулимни ҳам велосипедга ташлаб қўяпман. Баҳорда богда иш бошланган кезлари отам "Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан" деб такрор-такрор айтардилар. У роҳат кунлари — велосипед сотиб оладиган кунларга жуда оз қолди. Ҳа, айтгандай, қарашганинг учун сени ҳам велосипедда учираман, деб укамга ҳам ваъда бериб қўйганман. Яқин кунларда унинг ҳам орзуси ушалади.

Зарифжон УСМОНОВ,
Тошкент вилояти, Қибрай тумани,
У.Юсупов номидаги жамоа ҳужалиғи.



Юзма-юз учрашувлар ўзаро мулоқотнинг энг самарали, мазмунли кўринишларидан. Бундай учрашувларда барча фикрлар ойдин намоён бўлади, дилдаги гаплар айтилади. Шу маънода ўқув йили якунида Тошкент вилояти, Паркент тумани, Номданак қишлоғидаги 22-мактаб ўқувчиларининг таниқли ёзувчи ва шoirлар билан, шу жумладан "Тоғ юлдузи" газетаси ходимлари билан бўлган мулоқоти жуда мазмунли ўтди. Болалар учрашув қатнашчилари — ёзувчи Ўқтам Ҳакимали ва Нодира Рашидовага, газета ходимларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этдилар.

— Мактабимизда бугунги кунда 1160 нафар ўқувчи таълим олади, — дейди учрашув олдидан мактаб директори Мансур ака Пўлатов. — Мактабимиз математикага ихтисослаштирилган. Аниқ фанларни чуқур ўзлаштириш билан бирга улар адабиёт, тарих фанларига ҳам жуда қизиқишади. Ана шундай қизиқувчан, билимли икки ўқувчимиз ўтган йили тест синовларидан аъло даражада ўтиб, Туркияга ўқишга юборилди. Олти нафар ўқувчимиз эса мактабни кумуш медаль билан тамомлаб, олий ўқув юртларига йўл олдилар. Бугунги бўлиб ўтаётган учрашув ана шундай билимга чанқоқ ўқувчиларимизнинг хотирасида узоқ вақт қолади.

Шундан сўнг учрашув қатнашчиларининг савол-жавоблари бошланди.

Акбар ЭШМАТОВ, 11-“В” синф ўқувчиси:

— Нодира опа, қатагон йилларининг қурбони Усмон Носир ҳақида ўйлаганимда шоирнинг "...тошиб ўйна, тўлиб қайна, тирикман, куйла борингни..." сатрлари ёдимга тушаверади. Адабиётимизда юксак истеъдодли шоир сифатида ном қолдирган Усмон Носир дафн этилган жой яқин йилларгача сирлигича қолмоқда эди. Бизга матбуот орқали сизнинг узоқ йиллик қидирувларингиз натижасида шоирнинг ҳоки қўйилган жой аниқланганлиги маълум бўлди. Қидирув таассуротларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

Нодира РАШИДОВА:

— Тоғам Усмон Носирнинг

сўнги йиллардаги ҳаётини ўрганишни сиздайлик пайтимдан бошлаганман. Ўшанда СССР Прокуратурасига қайта-қайта йўлланган мактубларим натижасида Усмон Носир ҳаётининг сўнги йиллари Сибирдаги лагерларнинг бирида ўтганлиги аниқланди.



ДХҚда сақланган бир мактуб Усмон Носир ҳаётининг сўнги йилларини қуйидаги маълумот билан тўлдирингиз асос бўлади: асир У. Носир тайга ботқоқликларида огир жисмоний меҳнат билан бирга бадиий ижод билан ҳам мунтазам шуғулланган. У Сталинга ёзган

1985 йилнинг июнь ойида шоира Мукаррама Муродова билан Тайга ўрмонларида бўлдик. Бизга Кемерово вилоят Ички ишлар бўлими ходимлари ҳамроҳ бўлишди. Афсуски, биз Усмон Носир жасади Маринск тупроғига қўйилгани ҳақида аниқ ҳужжат топа олмадик. Бироқ, ҳужжатлар ва жонли гувоҳлар 1940 йилларда ҳибсга олинган ва Сибирга сургун қилинган сиёсий маҳбуслар айнан мана шу Маринск шаҳри яқинидаги Первомайская посёлкаси ўрнида жойлашилганлигига гувоҳлик беришди.

“Султон суягини хор қилмас” деганларидек, азиз шоир изларини излаб сиёсий маҳбуслар қабристони ўрнида барқ урган ўтлоқда сарсара кездик ва юрагимиз ундаган жойни Усмон Носир ҳоки қўйилган жой, деб танладик. Бизга ҳамроҳлик қилаётганлар орасида сибирлик шоирлар ҳам бор эди. Уларнинг

ташаббуси билан ерлик завод ишчилари зангламайдиган ялтироқ металлдан китоб шаклида ёдгорлик ясаб беришди. Унга “У. Носир. Шоир” деб ёзилганди. Ёдгорликни ўрнатаётганимизда Мукаррама Муродова Маринск шаҳар бозоридан сотилаётган ҳамма гулларни сотиб олиб, бутун ўзбекистонликлар номидан ёдгорлик пойини тўлдирди. Мен рус қозонида ўзбекча

маърака оши қилиб бердим.

Акмал ПЎЛАТОВ, 11-синф ўқувчиси:
— Ўқтам ака, “Ҳадемай баҳор келади” ҳикоянгни бўлган воқеами? “Хиёнат”, “Оқ тулпор” асарларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

Ўқтам ҲАКИМАЛИ:

— “Ҳадемай баҳор келади” ҳикоясида ёзилган воқеа Бўстонликда бўлиб ўтган. Бу ҳақда шу ерлик Ойхўжа отахон гапириб берган эди. “Хиёнат”даги воқеалар эса узоқ тоғлардаги бир чўпондан эшитганларимга асосланган. “Оқ тулпор” қаҳрамонлари эса мана шу сиз яшаб, вояга етаётган Номданак қишлоғида яшаган кишилардир.

Учрашув давомида “Тоғ юлдузи” газетаси ходимлари ўзларининг келгуси иш режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Дилфуза АМИНОВА ёзиб олди.
«Амир Темур», «А. Навоий», «Натюрморт» расмларини 9-синф ўқувчиси Шохобиддин АБДУЛЛАЕВ чизган.

НОМДАНАКДА УЧРАШУВ

Бу давргача Усмон Носир Магаданда нобуд бўлган, деб ҳисобланарди.

Қидирув ишларининг иккинчи босқичида Кемерово вилояти Ички ишлар бўлимига мактуб йўлладим. 1984 йилнинг кузида келган жавоб мактубдан Сибирдаги сиёсий маҳбуслар лагери 40-йилларда ҳозирги Маринск район теграсида бўлганлиги маълум бўлди. Ёзувчи Исфандиёр ҳамроҳлигида Кемерово вилоятига йўл олдик. Бироқ, Кемерово шаҳридан қайтишга


мажбур бўлдик. Чунки бу даврда кеч куз бошланиб Сибирь кенгликлари лой, ботқоқ эди.

Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, 1937 йилда тўхмат билан ҳибсга олинган ёш шоир У. Носир маълум вақтгача Тошкент қамоқхоналарида сақланади. Сўнгра уни Узоқ Сибирдаги Магадан ўрмон ёғоч кесиш комбинатига юборишади.

мактубида асирликда юрган даврида шеърый роман, иккита дoston, пьесалар ва қатор шеърлар ёзганлигини маълум қилади. Бу мактуб

кўтаринки руҳда ёзилган бўлиб, унда шоирнинг ўз халқига ва Ватанига чуқур муҳаббати уфуриб туради. Мактуб сўнгида шоир юртбошига ўзининг беғуноҳлигини баён этади ва эркинликка қайтишга ёрдам беришини сўрайди.

Сибирнинг нам ҳавоси таъсирида соғлиги ёмонлашган шоирнинг ҳаёти сўнги паллага киради чамаси, бу мактуб ижобий натижа беришини сезган асоратчилар шоир ҳаётига жавобгарликни ҳис қилишган бўлса керак, огир аҳволдаги Усмон Носирни Магадандан Узоқ Шарққа кўчиришади...



«НОМДАНАК ҚИШЛОҒИ». 8-«Г» синф ўқувчиси Зухриддин НУЪМОНХОН ўгли чизган сурат.

Бугунги кунда Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) бутун дунёга мажбурий меҳнатга қарши қатъий чоралар қабул қилиш ҳақида бонг урмоқда. ХМТ нинг йиллик ҳисоботида айтилишича, ҳукумат ва халқаро қонуларга қарамай, миллионлаб одамлар, хусусан, болалар мажбурий меҳнат билан шуғулланишга мажбур бўлмоқдалар. Бу муаммо Покистон ва Ҳиндистон каби давлатларда сезиларли даражада намоён бўлмоқда.

Тахминан 20 миллион покистонлик, жумладан, 7 млн. 500 минг нафар болалар мажбурий меҳнат қурбони

саналади. Ҳиндистондаги маълумотларга қараганда, у ерда ҳам миллионлаб худди шундай ишчилар мавжуд экан. Улар фақат аввалги қарзларини тўлаш учунгина меҳнат қилишади. Лекин маошларнинг жуда камлиги боис, ҳар доим ҳам қарздан қутила олмайдилар. Улардан асбоб-анжомлар учун пул босиб қолиниши, сифатсиз маҳсулот учун жарималар солиниши маошларининг янада қисқариб кетишига сабабчи бўлади.

“Шу тариқа уларнинг қарзи қисқармай, аксинча ортаверади”, — деб таъкидлайди ХМТ. Бундай

ХМТ — МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ

одамларнинг фарзандлари, ҳатто набиралари ҳам бутун умр қарздор бўлиб яшашига мажбур бўладилар. Покистондаги, шунингдек, Ҳиндистондаги қонулар бундай мажбурий меҳнатни таъкидлайди. ХМТ нинг ҳисоботига қараганда, Покистон ҳукумати бундай ҳолатни

баргараф этиш борасида маълум чора-тадбирлар қўлламоқда.

Ҳиндистон ҳукумати эса бу йўналиш бўйича кўрилган чоралар ҳақида хабар бериш вазифаси юклатилган.

Судандаги гражданлар уруши оқибатида қуллик кенг тарқалган ҳолат бўлиб қолди. ХМТнинг таъкидлашича, Судандаги огир иқтисодий шароит натижасида ота-оналар фарзандларини сотишга мажбур бўлмоқдалар.

Лотин Америкаси ҳақида гап кетганда эса, Бразилияда 9 минг одам, келажақда қишлоқ хўжалигида ишлатиш мақсадида жунглига ҳайдаб кетилди, деб

хабар берилади ХМТ ҳисоботида. Йўқчилик гирдобига ботиб қолган бу ишчиларни яхши маош тўлаш ҳамда меҳнат шароитларини яхшилаш каби ваъдалар берилиб, ишга жалб этилмоқда. Бироқ, тугилиб ўсган жойларидан йироқдаги иш жойларига келишганида, алданганликларини пайқаб қолмоқда. Қочишга уринган ишчиларни эса тутиб олиб қаттиқ жазолашади, оёқ-қўлларини кесиб, турли йўллар билан уларни хўрлашади.

“САДО” Халқаро экспресс-ахбороти

Вазирлар маҳкамасининг Ўзбекистонда миллий футболни ривожлантириш тўғрисидаги қарори чиққандан кейин Ўзбекистон футбол ҳаётида катта бир юксалиш рўй берди. Биз шу қарор аҳамияти ва унинг қандай амалга ошири- лаётганлигини билиш мақсадида Ўзбекистон футбол федерациясининг бош қотиби Салим Юсупович ЭШМУҲАМЕДОВ хузурида бўлдик. Ахир, футболни яхши кўрмайдиган бола борми?

— Аросатда бўлган футболимизга бу қарор айни муддао бўлди, бу тадбирга кўра, биз ҳар бир шаҳар ёки туман ҳокимини бевосита ўша шаҳар футбол федерацияси раиси этиб тайинладик.

Энди раҳбарларимизнинг футболга нисбатан қарашлари ўзгарди. Халқ ўртасида оммавий футбол мусобақалари ўтказиш тадбирлари кўриб чиқилди. Ахир бу халқнинг соғлиғига ҳам фойда-ку. Биз бу ёқдан туриб қарор қабул қилганимиз билан уни бажариш барибир раҳбарлар зиммасига юкланади. Қарор билан биргаликда 100 миллион сўмлик футболни ривожлантириш фонди ҳам очилди.

Бу фонднинг ҳомийлари Тошкент трактор заводи, Самолётсозлик заводи, Нефть маҳсулотлари комбинати, Ўзбекистон пахта ишлаб чиқариш комбинатлари бўлиб, биз шу фонddaги маблағдан қайси бир тумандан, қайси бир вилоятдан ердан сўралса, ўшаларга маълум миқдорда пул ажратамиз. Узро келишиб яқинда яна бир фонд очдик. Бу футболчиларимизни хорижий мамлакатларга чиқариш фонди. Унингизга маълумки, футболчиларимиз чет эллар билан ҳамкорликда бўлмас экан, ҳақиқий профессионаллар даражасига кўтарилиши қийин. Ҳозир шу фондимида ҳам 10 минг Америка доллари ва 200 миллионга яқин пули бор.

— Салим Юсупович, маълумки, бизнинг эртанги футболчиларимиз келажаги — ҳозирги болалар, бу соҳада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Болалар масаласи бизнинг биринчи қатордаги масалаларимиздан. Шунинг ҳисобга олиб биз ўзимизда болалар фондини ҳам очдик. Унинг вазифаси айнан шароитлари етарли бўлмаган қишлоқ мактабларидаги болалар учун стадионлар қуриб бериш, уларни футбол формалари, тўплар билан таъминлаш масаласини ҳал этишдир. Мактаблар ўртасидаги футбол мусобақаларига кўпроқ аҳамият бериш. Ахир ким билади бизнинг назаримиздан четда ҳақиқий футбол юлдузлари юришгандир шу мактаб болалари ўртасида. Бизнинг вазифамиз ўша ҳақиқий талантларни излаб топиб, тарбия қилиш эмасми? Халқимиз олдида ҳақиқий футболни кўрсатиб, юзмиз еруғ бўлиши керак, чунки халқимизнинг футболга бўлган муҳаббати ниҳоятда юксак. Хабарингиз бўлса керак, яқинда Ўзбекистон биринчилиги учун Жиззах шаҳрида финал ўйини ўтказилди. Шу ерда футболимизнинг ҳақиқий миллий тус олганининг гувоҳи бўлдик. Катта тўй-тантана билан ўтди бу учрашув. Худди ўзбекона халқ сайиллари каби.

Шунингдек, Жиззахда Ўзбекистон футбол ҳафталигини ўтказдик. Турли корхоналарда, мактабларда ўқувчилар билан суҳбатлар, мусобақалар уюштирилди. Шунинг таъкидлаш кераки, мактабларда бўлган қизгин суҳбатлар таъсирида болаларнинг футболга бўлган муҳаббатидан миллий футболимизнинг келажаги порлоқ деб айтишимиз мумкин. Энди шундай ўсмирларни тарбиялашимиз керак. Бу соҳада Тошкентдаги Чигатой футбол мактаби ва Республика Олимпия Резервлари билим юртида яхши ишлар олиб борилапти. Мен ўйлайманки, уларнинг фаолияти билан танишиб, матбуот ва телевидение орқали кўпроқ еритиш керак. Чунки республикамизнинг чекка жой-ларидаги болалар пойтахтда бундай мактаблар борлигидан беҳабардирлар. Бу тадбирлар футболни оммавийлаштиришга хизмат қилади.

Биз Салим Юсуповичга миннатдорчилик билдириб, бу мактаблар фаолияти билан танишиш мақсадида Республика Олимпия Резервлари болалар билим юртида бўлдик. Бу ерда нафақат футбол, балки спортнинг бошқа кўпгина турлари бўйича ҳам келажақдаги катта спорт учун юлдузлар тайёрланар экан. Бизнинг суҳбатдошимиз шу билим юртининг футбол бўлими бошлиғи Акмал Азизхўжаев ва тажрибали тренер Исоқ Тошмухамедов бўлишди.

— Акмал ака, маълумки, сиз ёш футболчилар тарбияси хусусида кўпгина ишлар

ҳам ўз-ўзидан йўқолди. Маблағ бўлмагандан кейин қаёққа ҳам борардингиз.

Футболни ривожлантириш ҳақидаги тадбир қабул қилиндию, бизга ҳам маблағ ажратилди деган бўлди. Бу йил эса "Футбол гунчалари" клуби мусобақаси Республика миқёсида бошлаб юборилди. Вилоятларга хатлар юборилган, финал ўйинлари эса август ойида Тошкентда бўлиб ўтади.

— Акмал ака, ҳозир футболимизга янги, ёш, ёрқин ўйинчилар керак, сизларнинг билим юртингиз бу борада асосий марказларнинг бири экан.

— Билим юрти олдин ҳам шундай марказ эди. Бу хусусда Исоқ ака гапириб берсалар бўлар эди. У киши 20 йилдан бери шу масканда мураббий бўлиб ишлаб келадилар.

— Тўғри, — дейди Исоқ ака. — Агар биз "Пахтакор"нинг олдинги, фожиали ҳалок бўлган ўйинчилари — Федоров, Аширов, Ҳақимов, Юрин, Воҳидов ва яқингача ўйнаб келган Денисов қабилар ҳақида бўлсак, улар шу билим юрти талабалари эди. Ҳозир ҳам бу хусусда орқада қолганимиз йўқ. Яқинда Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Марказий Осиё биринчилигида 1976 йилги болаларимиз Чирчиқда биринчи ўринни эгаллашган бўлса, 1977 йилги болаларимиз Қора Балтада (Қирғизистон) биринчи ўринни қўлга киритишди. Маня шунинг ўзи ҳам Ўзбекистон футболнинг қай даражада эканлигини кўрсатиб турибди. Ваҳоланки, бу болалар яна бир-икки йилдан кейин катта футболнинг асосий ўйинчиларига айланишади. Шунинг таъкидлаб ўтиш кераки, ўқувчиларимиз гоёта чиройли ва мард ўйин кўрсатишди. Бунда мураббийлар Рауф Толғатович ва Баҳодир Тошматовларнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлди.

— Исоқ ака, сизларда билим юртига қабул ишлари қандай олиб борилади ёки фақат йўлланма билан қабул қиласизларми?

— Талабгор ёшлар ниҳоятда кўп. Кейин билим юрти фақатгина футбол билан чегараланмайди. Футбол бўлимига топшираётган ёшлар учун эса ўзимизнинг алоҳида нормативларимиз бор. Фақат уларни бажарган ёшларгина қабул қилинади. Ўрни келганда буни газетангиз саҳифасида еритиб кетсангиз. Уйлайманки, ёшлар ҳам шунга яраша тайёргарликларини кўриб келишади. Билим юртига кириш шартлари эса қуйидагилардан иборат:

300 метрдаги масофани 44

қилгансиз. Хусусан, ўтган йили сизнинг фаолиятингиз билан "Футбол гунчалари" клуби тузилган эди ва сиз унинг президенти этиб сайлангандингиз. Клубнинг кейинги тақдирини нима бўлди! Шу ҳақда гапириб берсангиз.

— Тўғри, клуб тузилган эди. У ҳозир ҳам бор. Маълумки, спорт билим юртига 14-15 ёшли ўспиринлар қабул қилинади. Улар ўртасида турли мусобақалар ўтказилади. Ҳамма вилоятларда ҳам шу аҳвол. Биз тузган клубнинг асосий мақсади эса республика миқёсида 11, 12, 13 ёшли болалар ўртасида "Футбол гунчалари" мусобақасини ўтказиш



секундда югуриб ўтиш, шунингдек, 400 метрни 64 секундда. 3100 метрни 12 минутда югуриб ўтиш. Жойдан туриб 2,25 метрга сакраш.

Майдон марказидан тўсиқлар орасидан тўп билан ўтиш. Тўпни аниқ мўлжалга олиш.

Бу ерга келаётган ёшларнинг кўплари бу шартлардан беҳабардирлар. Тайёргарликсиз келиб, оқибатда умидсиз қайтиб кетишмоқда. Уйлайманки, газетангизни ўқиб бу ҳақда маълумотга эга бўлган ёшлар шу шартларни эътиборга олган ҳолда ўйлаш келишади.



— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат, кейинги ишларингизга омад тилаймиз. Газетамиз ўқувчиларига тилақларингиз қандай!

— Доимо соғлом ва бақувват бўлишсин.

А. БОБОЕВ суҳбатлашди.



Футболни яхши кўрмайдиган бола борми?



Куттириб қўймадимми!

Абдували МУҲСИМОВ туширган сурат.

Ҳавас қилсанг арзийди

Болаликдан эгалланган хунар бир умрга асқотади. Шу боисдан бўлса керак доно халқимиз "хунарли хор бўлмас" деб нақл қилган.

Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги ўқувчилар уйида ёғоч ўймакорлиги, ЭХМ, авиамодель, фотоҳаваскорлик, радиотехника, тикувчилик, гул солиш каби бир нечта тўғарақларда ўқувчилар дарсдан бўш пайтларида касб сирларини ўрганишмоқда.

— Ҳар ойда ўқувчилар ўртасида мусобақалар, турли хил тадбирлар ўтказиб тураемиз, — дейди шу тўғарақларнинг раҳбари Шерали Одинаев. — Мақсадимиз улар ихтироларида мукамалликка эришишдир. Ҳозир у-бу нарсаларга "қўли" келиб қолган ўқувчиларимиз талайгина: Мўмин Шойматов, Фарход Тўраевлар...

Ўқувчилар уйининг кўргазма залларига қўйилган буюмларни кузатар экансиз, келажақда улардан ўз ишининг моҳир усталари чиқишига ишонсан, киши.

Мардон СУЮНОВ.

Дўстлик манзилгоҳлари Айни ёзда дўстлашинг



"Қадрли "Тоғ юлдузи"! Бизнинг манзилгоҳимиз саҳифада эълон қилинган, Дўстлик клубимизга жуда кўп мақтублар кела бошлади. Бунинг учун жуда миннатдоримиз. Клубимиз аъзолари зўр қизиқиш билан ўқиб чиқиб, янги орттирган дўстларига жавоблар йўллашапти.

Яқинда бизга Усмонали Ҳабибуллаев деган боладан хат келди. 5-синф ўқувчиси Усмонали пазандаликка қизиқар, опасининг яқин ердаси экан. Усмонали мактабимиз ўқувчилари билан дўстлашиш ниятини билдириб, ҳатто суратини ҳам юборибди. Лекин у ўз манзилгоҳини езишни унутибди.

Клубимиз аъзолари билан газета орқали Усмоналига мурожаат қилишга қарор қилдик: "Усмонали манзилгоҳингизни езишни унутма!"

704250, Самарқанд вилояти, Иштихон туманидаги 33-мактаб. Дўстлик клуби.

"Мен шаҳарда яшайман. Қишлоқларда жуда кам бўламан. Шунинг учун қишлоқлар ҳақида унчалик тасаввурга эга эмасман. Баҳор, ёз ойларида қишлоқлар янада сўлим, гўзал бўлиб кетиши ҳақида фақат ўқиганман, холос.

Мана, ези таътил ҳам давом этапти. Газета орқали ўз манзилгоҳимни эълон қилдиришдан мақсад, қишлоқлардаги тенгдошларим билан дўстлашсам дейман. Мен жонанжон Тошкентимиз ҳақида, улар эса ўзи яшаб турган жойлари ҳақида бир-биримизга ҳикоялар қилсак, бир-биримизникига меҳмонга борсак, қандай яхши ахир!"

Саодат ИБРОҲИМОВА. 700034, Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 1/4, 26-уй, 21-хонадон.

"Фарғоналик тенгдошимизнинг "Овоз беринг, дўстларим" мақоласини ўқиб, қаттиқ таъсирландим. Чунки мен ҳам "Артек" қучоғида дам олиб, жуда кўп дўстлар орттириб қайтган эдим. Уларнинг ҳар бирига кўп мақтублар йўллаб, бирорта ҳам жавоб ололмадим. Қани энди енгил қушга айлансам улар билан дийдорлашсам, дейман.

Қаҳрамон ЖАМОЛОВ. 706705, Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, "Бухоро" жамоа хўжалиги.

1993 йил — Баҳоуддин Нақшбанд йили

Тасаввуф таълимоти ислом дини билан бирга халқнинг тафаккури, не-не асрлик маънавий ҳаёти, ҳикмат ва фалсафий қарашларимизнинг гоёвий асосини ташкил этиб келди. Шу билан бирга турли йўналишларни, оқимларни, тамсил ва тимсол, усули услубларни вужудга келтирди. Бу таълимотга кирган олд қатор адибларимиз одамийлик, адлу инсоф, саҳоват ва муҳаббат ҳақидаги ажиб гоёларни илгари сурдилар. Тасаввуф улар учун идеал ва илҳом, илоҳий поклик, инсоний гўзалликни идрок этиш ва эътириш, ҳақ ва ҳақиқатни қарор топтириш қуроли бўлиб хизмат қилди. Бир сўз билан айтганда, тасаввуф — кўнгил фалсафаси бўлиб, умумбашарий дард ва муаммоларни теран ёрқинлик билан таҳлил этишга катта

Баҳоуддин Муҳаммад 1318 йилда Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон (кейинчалик Ҳазрати Баҳоуддин шарофати билан Қасри Орифон деб ном олган) қишлоғида хунарманд оиласида дунёга келган. Алломанинг отаси Бурҳониддин Муҳаммад тўқувчилик ва наққошлик касблари билан шуғулланган. Ёш Баҳоуддинда сўфийликка қизиқишни бобоси уйғотган. У киши тасаввуф тариқати билан яқиндан ошно бўлган. Баҳоуддин Нақшбанднинг биринчи устози шайх Муҳаммад Бобои Симосий бўлиб, Ҳазрати Баҳоуддин тугилишини олдиндан башорат қилган экан. Уни олдин ўзининг шогирди сўфий Амир Саид Кулолга Баҳоуддинни шогирд қилиб олишни илтимос қилади. Баҳоуддин руҳий устози Абдуҳолик Гиждувонийни тушида кўради ва у киши ҳам Баҳоуддинни Амир Саид Кулол олдида боришини айтади.

Ҳўжжам фалсафаси

хизмат қилади.

Тасаввуфни “реакцион назария” дея уни четлаб ўтиш адабиётимиз тарихини яратишга катта тўсқинлик қилгани энди ҳаммага маълум.

Шукрим, мустақиллик шарофати билан ўзбек адабиёти тарихини бутунлай қайта тамойилда тадқиқ этишга киришилди.

Ўрта Осиё халқлари ижтимоий тафаккури ва тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуг аллома Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарор ҳам мустақиллигимиз берган имкониятдир.

Баҳоуддин Муҳаммад бинни Бурҳониддин Муҳаммад Нақшбанд (1318-1389) тасаввуф равиъининг йирик намояндalarидан биридир. У халқ орасида кўпроқ Ҳожаи Бузург, Шайхи Нақшбанд, Баҳоуддин Балоғардон (халқ уни ёшлигидан Балоғардон деб атаган. Чунки у ўз мўъжизалари билан турли офатларни даф қилган) каби номлари билан маълум ва машҳурдир. “Нақшбанд” сўзи нақш билан бевосита ёки нақш солувчи деган маънони билдиради. Тариқат тарафдорлари Пайгамбаримиз суннатларига қатъий амал қилган ҳолда фақирона ҳаёт кечириб, қалин ва кўпол жушли чопон-ҳирқа кийганлар. Сўфий сўзи араб тилининг “сўф-жун” сўзидан келиб чиққан. Шундай диншарвар ташкилотлар VIII-X асрларда Боргод, Басра, Куфра ва бошқа шаҳарларда пайдо бўлиб, кейинчалик Мовароуннаҳрга кенг тарқалган.

Шахсий намуна сифатида Баҳоуддин Нақшбанд ўзи деҳқончилик билан шуғулланиб, бир бўлак ерга бугдой ва бошқа экинлар экиб, шундан олган ҳосили ҳисобига кун кечирган. У хизматкор ёки кул ишлатишни сўфий учун гуноҳи азим деб билган. Ҳазрати Нақшбанд доим топган-тутганларини беваю-бечораларга, етим-есирларга инъом этган.

У киши ўзининг тарафдорларини таркидунёчиликка эмас, балки диний-дуниёвий ишлар билан шуғулланишга даъват этган. Нақшбандия тариқатининг асосий шiori “дил ба ёру дастиба кор”, яъни “дил ҳақ билан, кўл иш билан банд бўлсин” деган маънони англатади.

Баҳоуддин Нақшбанд сохта художўликни, қаландарликни, жандачиликни ёмон кўриб, ўз тарафдорларини Пайгамбаримиз алайҳиссалом суннатларига тўла амал қилишга, шариатнинг барча аҳкомларини астойдил бажаришга чақирган.



Шакар СУННАТОВ.

Шундан кейин ёш Баҳоуддин ҳақ йўлига кирган шахс сифатида Саид Кулол ҳузурига боради.

Баҳоуддин Нақшбанд умрининг асосий қисмини Бухорода ўтказган. У тасаввуфни кенг тарғиб қилиб, Арабистон, Эрон, Ўрта Осиёнинг кўп шаҳарларида бўлган. Икки мартаба ҳажга сафар қилган.

Ривоят қилишларича, Ҳазрати Баҳоуддин қишда қамишлар устида, ёзда бўйра устида ётиб, ибратомуз ҳаёт кечирган. Ҳатто ўлим тўшағида ётган пайтларида ҳам нурлутфу, хушмуомила, меҳрибон бўлган. 1389 йилда 73 ёшида Қасри Орифон қишлоғида Оллоҳ-таоло даргоҳига беҳад дуолар қилиб, бандаликни бажо келтирган. Яқинда Бухорода Нақшбанд қаламига мансуб “Ҳаётнома”, “Далили ошиқон” (Ошиқлар дили) каби асарлари топилиб, нашрга тайёрланмоқда.


Баҳоуддин вафотидан кейин унинг ишларини шогирдлари Алоуддин Атор, хусусан Муҳаммад Порсо давом эттирганлар. XV асрдан бошлаб Нақшбандия тариқати дунёнинг турли бурчақларига тарқала бошлади. Нақшбандиянинг энг ривожланган пайти Темурийлар ҳукмронлиги даврида яшаган хожа Убайдуллоҳи Аҳрори Валий (1404-1490) номи билан боғлиқ. Нақшбандия жамоаси Ҳиндистонда XVI аср ўрталарида шайх Бобо Вали томонидан таъсис этилган, кейинроқ Аҳмад Сархинда Нақшбандия тариқатининг бутун Ҳиндистонга ёйилишига катта ҳисса қўшди. XVI-XVII асрларда Нақшбандия тарафдорлари Туркияда, Мисрда, Яманда, Фаластинда, Ироқда, Сурияда, Покистонда, дунёнинг бошқа мамлакатларида кенг тарқалди. Тариқат Мовароуннаҳрда ислом динининг тўла тарқалишига, қирғиз ва қозоқ кўчманчи қабилаларининг бирлашишига ҳисса қўшган.

Нақшбандия тариқатининг нишони ҳам мавжуд. Ундаги юрак тасвири ичига “Оллоҳ” деб ёзилган. Нақшбандийнинг: “Менинг тариқатимдан чиққан — диндан чиқади” дегани бежиз эмас. Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин мусулмон дунёсида авлиё ҳисобланган, у кишининг қабрини уч мартаба зиёрат қилиш ҳажга бориб келиш билан баробар ҳисобланади. 1544 йилда Шайбонийлар сулоласининг вакили Абдулазизхон у кишининг қабри устида мақбара қурдиргандан кейин бу зиёратгоҳ янада гавжум жойга айланди. Ҳозирги даврда дунёнинг турли бурчақларидан минглаб зиёратчилар келиб, у кишининг қабрини тавоф этмоқдалар.

Шакар СУННАТОВ.

ШОИРЛАР — БОЛАЛАРГА!

“Бўйбемдагас бор бора Озёрлик-туғун...”



Дипмурод САИДОВ

9 Ёшли отдошимнинг ДЕГАНЛАРИ

— Амакижон, берманг кўп савол, Эзманг ўксик, мурғак қалбимни. Сўзини тиги кетмас-ку, алҳол, Саволлар тоғ этар дардимни. Ҳа, онам бор, йилда бир келар, Овутмоқ йўқ, оқлар ўзини. Эски ярам янгитдан тирнар Артис каби ёшлаб кўзини. Гоҳо ўйлаб қоламан танҳо (Асли ёлғиз, бойман ўйловга!): “Керагим бормикан, ё Аллоҳ, Бу оламда менинг бировга?...” Сўраш осон, жавобчи — қийин, Ўксик қалбим айламанг майиб. Ҳа, онам бор, мен бунда лекин, Шунинг учун мендаим айб?... — Амакижон, кўп савол берманг!”

МАЪМУРАНИНГ СЎЗЛАРИДАН

“Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...”
Х.ОЛИМЖОН

“Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...”
Гўё оппоқ капалак тўп-тўп,
Гўё куртак кулиб-гуллади...
Аммо менинг соғинч дарахтим
Умид гулин очмайди ҳануз.
Боламан, лек болалик бахтим
Совуқ урган новда каби муз.
Совга келар ҳар ёндан ҳар кун,
Жамғармалар ҳиммати баланд.
Маъзур тутинг, совга мўл, лекин
Қалбим меҳр ўйи билан банд.
Деразадан қараб йўл кутгум,
Хатлар ёзиб келмас кишимга.
Она тутиб, оналик, этгум —
Қўғирчоғим босиб тўшимга.
Ўзим эшитмаган “Алла”нинг
Хиргойисин қиламан унга.
Менга ҳам бахт кулсин, деб, майин
Умид билан куламан унга!

“У... ўз гўдагини 200 сўмга СОТИБ ЮБОРДИ...”

“Поста” газетаси 1991 йил 5 сентябрь
Телба бўлиб қолдим дунё,
Ё яқинми рўзи қиёмат?
Ҳар қадамда эс-хушдан жудо —
Одам юрар.
Чулгайди ваҳшат:
Кимдир кўзин ўйиб сотмоқда,
Яна кимдир жигарин тутар...
Телба бўлиб қолдим дунё?
Ҳатто МЕҲР нархи чакана.
Бир чеккада кечар, бенаво,
Гўдагини пуллайди ОНА!
Ҳайхот, бу на кўргулик, озор.

Касбим тақозоси билан кўпгина жойларда бўлганман: мактабгача тарбия муассасалари, ўрта таълим даргоҳлари, балоғатга етмаганлар-тарбия-меҳнат колонияси, болалар уйлари...

Айниқса колония ва болалар уйида бўлганимда қарийб бир ой ўзимга келолмагандим. Колония ҳақидаги таассуротларим газеталарда чоп этилди. Аммо болалар уйи ҳақида ҳеч нарса ёзолмагандим. Шу боисдан ҳам кўксимда қандайдир оғриқ - туғун бордек ҳис этиб юрардим ўзимни. Бугун ўша туғун ечилганга ўхшайди...

МУАЛЛИФ

Нечун кетмас ёрилиб замин?
Оҳ, нима бу — Ҳаётми, Бозор?
Сотилмаган не қолди тагин?!

БОЛАЛИК —

ПОДШОЛИКДИР!

Болаларни урманг, оналар,
Мурғак кўнгил чекмасин озор.
Нафис чехра ғамланмасин ҳеч
Мунчоқ кўзлар ёшланиб зинҳор.
Болаларни урманг, оналар,
Зумраша, деб этманг дилхира
Биттагина музқаймоқ учун
Музламасин меҳрингиз сира.
Болаларни урманг, оналар,
“Гуноҳи” шу — битта ўйинчоқ.
Олиб берманг майлига, фақат —
“Гуноҳи” дан ўтинг ўша чоқ.
Урасизу, аммо қалбингиз —
Сўнг афсусда куюб қийналар.
Ўтинаман: қийнаб, қийналиб,
Болаларни урманг, оналар!



Азиз фарзандимиз ҲАБИБУЛЛО!
Умрининг 5-бахорини қаршилаган кунингда
кувончу шодликларингга шерикимиз. Сенга сиҳат-
саломатлик, узоқ-умр тилаймиз.
Келажакда халқимизнинг муносиб фарзанди
бўлиб етишишигга умидворимиз.

Онанг Феруза, онаг Муаттар, уканг
Шоҳжаҳон.
Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани,
Ўзбекистон д/х.



Азиз фарзандимиз ЭЛМИРАХОН! Кутлуг 10
ешинг муборак бўлсин. Таваллуд кунингдаги
барча шодликларингга шерик бўлиб, қалбимиз
кўридаги барча эзгу ниятларни билдирамиз.
Оллоҳдан сенга узоқ ва бахтли умр тилаб
қоламиз. Оқила ва ораста қиз бўлиб ўсишигга
тилаймиз.

Дадан Ниёзов Раззоқ.
Қашқадарё вилояти, Касби тумани
маркази. 29-уй, 8-хонадон.



Табриклаймиз!

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Таъсис этгувчи:

ЎЗБЕКИСТОН ИШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚҮМЎТАСИ
Газета 1929 йил, 1 августдан
«ЛЕНИН УЧКҮНИ» номи билан
чиқиб босилган.

Газета ҳафтанинг сешанба кўни чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Нашр кўрсаткичи: 64563
Чоп этиш вақти — 18.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузурдаги “ШАРҚ” нашриёт-матбаа концерни

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г — 287. 56001 нуسخада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6